

# КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ БУРЧИМИЗДИР

(Кутубхонашунос Раҳимжон  
Файзуллаев хотирасига)



**Малика Матмурадова,**  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси  
Диспетчерлик  
хизмати раҳбари

**Х**алқимизнинг узок йиллик маънавий меросини сақлашда жонбозлик кўрсатган, шарқшунос, афгон тили ва адабиёти бўйича мутахассис, кутубхонашунос, библиограф Файзуллаев Раҳимжон Аҳмедович 1940 йилда Тошкент вилояти Занги-ота туманида деҳқон оиласида таваллуд топганди. У 1957 йилда ўрта мактабни томонлаб, дастлабки иш-фаолияти Тошкент механик-таъмирлаш заводида чилангар, 1958 йилда эса, 32-қурилиш-материаллари заводида юқори малакали арматурачи лавозимида ишлаган. 1959–1962 йилларда харбий хизматни ўтаб келган.

1962 йилда Файзуллаев Раҳимжон Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетига ўқишга киради ва уни муваффақиятли (ҳозирги Шарқшунослик институти) тугатади.

1968 йилда Ўзбекистон Давлат кутубхонасига ишга кириб махсус китоб сақлаш фондида, чет эл адабиёти бўлимида кутубхоначи, катта кутубхоначи, бош кутубхоначи лавозимларида ишлаган. Кейинчалик, Нодир нашрлар ва кўлёмалар бўлимида бўлим бошлиги сифатида фаолият юритган. Шу йиллардан бошлаб, араб тилидаги китобларга техник ишлов берган, форс ва шарқ тилларидаги адабиётларга каталоглар тузган ҳамда китобхоналарга хизмат кўрсатган.

Қаҳрамонимизнинг 1980 йилда фаолияти тўхтатилиб, Афғонистонга харбий хизматга таржимон сифатида юборилган ва у ерда 2 йил давомида хизмат қилган. Хизматдан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасига қайтиб, бир қанча вақт илмий котиб сифатида хизмат қилган, сўнг техник жиҳозлаш бўлими ишини юритган, Хўжалик ишлари бўйича директор Уринбосари (1982–1986 й.й). 1986 йилда эса, «Нодир нашрлар ва кўлёмалар» бўлими бошлиги лавозимида 22 йил давомида фаолият кўрсатди. У шу йил-

лар мобайнида бўлимда сақланаётган ноёб китоблар, кўлёмалар асарлар, тарихий фототасвирлар, хариталарни эҳтиёткорлик билан асраш ҳамда бўлим фондиди янги китоблар, тарихий манбалар, кўлёмалар асарлар ҳисоби-га тўлдириш билан бирга, бу ердаги 1870–1925 йилларда нашр этилган газеталарда эълон қилинган мақолаларнинг картотекасини тузиб чиққан. Шу билан бирга, илмий изланишлар ҳам олиб бориб, юртимизнинг ўтмиш тарихи, маданияти, бой маданий мероси, озодлик ва мустақиллик учун курашган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид 85 дан ортиқ илмий-публицистик мақолаларини матбуотда эълон қилдирган.

Раҳимжон Файзуллаев тадқиқотчи бўлиш билан бир қаторда, шу бўлим фаолиятида кенг қамровда иш олиб борган. «Туркистон тўплами», «Туркистон альбоми», «Туркистон вилоятининг газетаси», «Нодир нашрлар ва кўлёмалар» каби кўплаб мақолалар ёзган. Бу бўлимдаги рус ва ўзбек ёзувчиларининг ноёб китоблари ва дастхатлари билан чуқур танишиб чиққан. Айниқса, библиография соҳасида салмоқли фаолият кўрсатиб, «Туркистон вилоятининг газети»га библиографик кўрсаткич (1970–1916 й.й.) тузган. Унга 1786 та ҳужжатнинг библиографик тасвири киритилган. «Улуғ Туркистон» газетаси картотекаси, шунингдек, ўзбек ва рус тилларда мавзули кўрсаткичлар тузган. Тавалло (Тулаган Хўжаниёзов) фаолиятига боғлиқ араб тилидаги китобни ўзбек тилига таржима қилиб, у ҳақида мақола ёзди. 1990 йилда «Шарқ юлдузи» журна-лида босилиб чиқди.

Раҳимжон ака кутубхонада ўтказилган илмий конференция, семинар ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этган. Жумладан, «Е.К. Бетгернинг кутубхона нодир китоблар коллекциясини ташкил этишдаги фаолияти», «Нодир нашрлар бебаҳо бойлигимиздир» мавзуларидаги мақолалари Бетгер ўқишлари

Раҳимжон  
Файзуллаев  
1986 йилдан  
«Нодир нашрлар  
ва кўлёмалар»  
бўлими бошлиги  
лавозимида  
22 йил давомида  
фаолият кўрсатган



2000 йил  
Раҳимжон  
Файзуллаевга  
«Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган  
маданият ходими»  
унвони берилди

давра суҳбати материаллари тўпламлари (2002, 2005 йиллар)да chop этилган. Шунингдек, у нодир нашрлар ва қўлёзма китоблар бўйича ташкил қилинган китоблар кўргазмаларининг фаол ташкилотчиси бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон радиоси ва Республика телевидениесига маълумотлар бериб борган. Янги замонавий технологияларни татбиқ этиш билан бирга, шу бўлим адабиётларининг электрон тўлиқ матнли шаклга ўтказилишида масъул бўлган. Дастлаб, «Туркистон тўплами»нинг 594 та жилдини электрон шакли яратилган. Шунингдек, бўлимнинг Низоми ва нодир нашрларни сақлаш ҳамда жойлаштириш

бўйича «Ўзбекистон эслатмаси» дастурини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этган.

У оғир-вазмин, меҳрибон, эътиборли, китобсевар, зийрак устоз, билимли ва фидойи инсон бўлган.

2000 йил Истиқлолимизнинг 9 йиллик байрами муносабати билан кўп йиллик самарали хизматлари муносиб тақдирланиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими мудир Раҳимжон Файзуллаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвон билан тақдирланди.

#### **Малика Матмуродова, руководитель диспетчерской службы Национальной библиотеки Узбекистана**

Раҳимжон Файзуллаев - востоковед, специалист по афганскому языку и литературе, библиотековед, библиограф, заведующий отделом редких и рукописных книг Национальной библиотеки Узбекистана, является ветераном труда, Заслуженным работником культуры Республики Узбекистан. Работая в отделе редких книг Р. Файзуллаев проявил себя как исследователь широкого профиля. Круг его основных интересов: история формирования редких фондов библиотеки, популяризация редких книг и источников, описание особо ценных восточных коллекций, составление библиографии к старинным туркестанским периодическим изданиям. За большой вклад в развитие библиотечного дела Узбекистана, добросовестный и долготелный труд Раҳимжона Ахмедович неоднократно был отмечен благодарностями с занесением в личное дело, а в 2000 году Р.А. Файзуллаеву Указом Президента Республики Узбекистан было присвоено почетное звание «Заслуженный работник культуры Республики Узбекистан». ■